



ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕДИАТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АҲАМИЯТИ

Махмудова Д.Б.

Янги аср университети ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълим, технология, медиа, электрон дарслик.

Ключевые слова: образование, технологии, СМИ, электронный учебник.

Key words: education, technology, media, electronic textbook.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу таълим жараёнига замонавий ахборот ва коммуникатсия технологияларини жорий этиш билан боғлиқ.

Нима учун бугунги кунда таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти пайдо бўлди?

- ▶ Биринчидан, ўқитувчи педагогларни ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки билимларни эгаллаш манбаларидан бирига айланиб қолаётганлиги бўлса,
- ▶ иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин ортиб бораётганлиги ва улардан ўқиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги,
- ▶ учинчидан талабалар билимларни мустақил эгаллаш манбаларидан бири бўлган интернет тармоқларидан фойдаланиш орқали ресурсларни тез ва тўғри танлаш кўрикмаларнинг етарли шаклланмаганлиги,
- ▶ шунингдек, глобаллашув шароитида ўқитувчиларни касбий фаолиятга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимида замонавий технологияларни медиатаълимни жорий этишни тақозо этмоқда.

Жахон таълим тизими ривожланиши, халқаро тажрибаларни кун сари ортиб бориши, бизнинг ҳам таълим тизимимизни юксалтиришни тақозо



қилади. Бу борада талабаларда мустақил таълим жараёнини замонавий технологиялар билан, рақамли технологияга асосланган ҳолда ташкиллаштиришга эҳтиёж сезимоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёни методик таъминотини ривожлантиришни талаб этади. Замонавий ахборот ва коммуникатсия технологиялари, мултимедиа воситаларининг яқин йиллар ичида педагогик инновацияларнинг асосий манбаи бўлиб бораётганини гувоҳи бўлаяпмиз. Айниқса дарс машғулоти ташкиллаштиришда электрон дарслик, видео дарс, онлайн дарс, слайдлар ва ҳақозолартизимга кириб келиши бунга мисол бўла олади.

Талабалар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Сифатли ва юқори технологияли муҳит, замонавий таълим тизимининг асосини ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот ва коммуникатсия технология, рақамли технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб ахборот ва коммуникация технологиялар, рақамли технологияларнинг воситалари бўлган маълумотлар манбаига тўхталиб ўтсак. Булардан бири электрон ўқув адабиётлар - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба ҳисобланади.

Бугунги кунда таълимнинг энг асосий манбалардан бирига айланиб бораётган электрон дарслик ҳақида гапириб ўтсак. Электрон дарсликнинг ўқув жараёнида ўқув-материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган ўқув воситаси сифатида алоҳида ўрни бор. Аниқланишича инсоннинг эштиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзолари ёрдамида беш мартаба кўп маълумотларни эслаб қоларкан. Сабаби эштиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар тўғридан-тўғри хотирага ўтади ва сақланади, улар мияда қайта кодлаштирилмайди.

Анъанавий дарсликка нисбатан электрон дарслик ўқув материалларини намоиш қилиш учун кенг имкониятлар яратади. Электрон дарслик ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишлашлари учун мўлжалланган дидактик функцияларни бажаришга қулай. Шу билан бир қаторда ўқув жара-



ёнига қўйилган барча талабларга жавоб бериши кераклигини унутмаслигимиз лозим.

Электрон дарсликнинг психологик, эстетик, эргономик, гигиеник ва методика-психологик томонларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Чунки инсон организми электрон кўринишдаги маълумотларни қабул қилишни ўзига хос хусусиятларни талаб қилади. Яна бир шундай психологик тўсиқлардан бири талабалар компьютер экранидаги маълумотларни тўғридан-тўғри қабул қила олмайди. Шу нарсани эсан чиқармаслик лозимки, бундай воситаларнинг кўп даражада-микдорда бўлиши инсоннинг соғлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Электрон дарсликни яратишда яна бир муҳим муаммо бу фойдаланувчиларга қанча микдорда маълумот бериш мумкинлиги билан боғлиқ.

Инсон организми ташқаридан келатган маълумотларга нисбатан мослашишини талаб этади. Электрон дарсликлар билан ишлашда машқ қилиш режимида ёки кўпроқ мутақил ишлаш соатларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маълумки маълумотларни ортиқ даражада қабул қилиш уларнинг диққатини жалб қилмайди, аксинча миясини чарчатиб, фикрлашини пасайтиради.

Электрон дарсликларни тадбиқ этишда уларнинг педогогик томонларидан ташқари психологик, эргономик ва гигиеник томонларини эътиборга олган ҳолда тадбиқ этиш ўқувчиларни интеллектуал қобилиятларини ва уларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишни таъминлайди. Электрон дарсликни оддий дарслиқдан афзаллиги унинг ранг -баранглиги ҳамда «интеллектуал» кучга эгаллигида. Яна маълумотларни ўз вақтида ва керакли жойда тақдим этиш имкониятидадир. Унинг интеллектуал даражада бўлиши ўз навбатида оддий дарслиқка нисбатан афзалликларни туғдиради. Масалан, маълумотларни тез излаб топиш, мавзуларни ўзлаштириш даражасини мультимедиа ва графика элементлари ёрдамида амалага ошириш ва ҳақозо. Ҳар бир электрон дарслик алоҳида кўринишда бўлиши ва маълум бир стандарт талабга жавоб бериши лозим.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi PQ-3151-sonli "Oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktyabrdagi PF-5847-sonli "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni.

3. Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 31-dekabrda "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bog'liq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 824-son qarori.



4. Makhmudova D.B. Motivation of psychology of students' educational activity. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal)* ISSN: 2249-7137 Vol. 12 Issue 04, April 2022 Impact Factor: SJIF 2022 = 8.252 DOI: 10.5958/2249-7137.2022.00256.7

5. Mahmudova D.B. Zamonaviy talaba shaxsini motivatsion sohasini shakllantirish. *PEDAGOGIK AKMEOLOGIYA xalqaro ilmiy jurnal 2022y № 1(1).*-65 б.

6. Makhmudova D.B. Design activity as a means of developing creative and aesthetic skills of preschool children. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol. 8 No. 9, 2020 ISSN 2056-5852 *EJRRES* Vol. 8 No. 9, 2020

7. Makhmudova D.B. Design as a means of aesthetic education. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal)* ISSN: 2249-7137 Vol. 10 Issue 9, Sept 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01040.X

РЕЗЮМЕ

Талабаларда мустақил таълим самарадорлигини оширишда медиа таълим воситаларини қўллаш барча педагог ходимларни фаолаштириши уларни, маъсулиятини ошириши борасида гап боради. Мултимедиа воситаларининг педагогик инновацияларнинг асосий манбаи эканлиги ҳамда бугунги кунда таълимнинг энг асосий манбалардан бирига айланиб бораётган электрон дарслик хақида тўхталамиз.

РЕЗЮМЕ

Утверждается, что использование инструментов медиаобразования в повышении эффективности самостоятельного обучения студентов позволит мотивировать весь педагогический коллектив и повысить его ответственность. Мы поговорим о том, что мультимедийные средства являются основным источником педагогических инноваций, а электронный учебник становится сегодня одним из основных источников образования.

SUMMARY

It is argued that the use of media education tools in increasing the effectiveness of students' independent learning will motivate the entire teaching staff and increase their responsibility. We will talk about the fact that multimedia is the main source of pedagogical innovation, and the electronic textbook is becoming one of the main sources of education today.